

ҚЎЙПЕЧАК ЭКСТРАКТИНИ САҚЛОВЧИ ГЕЛНИНГ СУРУНКАЛИ АРТРИТНИ ДАВОЛАШДА ФАОЛЛИГИНИ ЎРГАНИШ

Якубова У.Б., Мускинова Ф.Х.

ТТА Урганч филиали

Физиология ва патологик физиология кафедраси

Муоммонинг долзарблиги: Ревматоид артрит кўп учрайдиган касаллик бўлиб, патогенезида бўғим мембранасининг бириктирувчи тўқималарнинг аутоиммун яллиғланиши кузатилиб, бўғимлар функцияси бузилишига олиб келади ва даволашда қийинчилик туғдиради. Артрит асосан яллиғланиш оқибатида юзага келади. Бу вақт ўтиб сурункали шаклга ўтади. Олдинлари бу касаллик ёши катталарда учраган бўлса, бугунги кунда бу касаллик ёшариб, болалар орасида кенг тарқалиб, кўпайиб бормоқда. Шу сабабли касаллик ривожланишининг олдини олиш учун керакли дориларни ишлатиш мухим ахамиятга эга. Азалдан беморларни фитотерапия билан даволаш кенг қўлланиб келинган. Ўсимликдан олинадиган фитопрепаратларнинг ножўя таъсири кам.

Тадқиқот мақсади: Қўйпечак ва ибупрофен сақловчи гелларнинг сурункали артритда қондаги яллиғланиш олди (ИЛ-1 β) ва яллиғланишга қарши (ИЛ-10) интерлейкинлар миқдорининг ўзгаришларини коррекциялашдаги фаоллигини қиёсий ўрганиш.

Материал ва методлар. Каламушларда ревматоид артритнинг экспериментал модели клиник кечиши бўйича инсон бўғимларидаги сурункали аутоиммун яллиғланишга ўхшаш бўлади. Ревматик артритда гелларнинг самарадорлигини ўрганиш икки босқичда ўтказилди: биринчи босқичда профилактик фойдаланиш ва иккинчи босқичда терапевтик. Сурункали артрит ва ибупрофен сақловчи гелларни тўлиқ Фрейд адъюванти билан чақирилган сурункали артритда қондаги интерлейкинлар миқдорининг ўзгаришларини коррекциялашдаги фаоллигини қиёсий ўрганиш бўйича

Ўтказилган тажриба натижалари шуни кўрсатдики, яллиғланишга қарши воситаларни профилактик юборилмаган назорат гуруҳи хайвонларида ИЛ-1β миқдори деярли 7 маротабага кўтарилди, шунингдек ИЛ-10 миқдорининг 9,3% га пасайиши билан бирга кечди. Аксинча, Қўйпечак экстрактини сақловчи гель қўлланилган каламушлар гуруҳида, ИЛ-1β даражаси назорат гуруҳига нисбатан 56,2% кам бўлди. Ибупрофен қўлланилган каламушлар гуруҳида деярли бир хил таъсир кузатилди, бунда ИЛ-1β даражаси назоратга нисбатан 63,3% га кам бўлди. Бундан кўриниб турибдики, ўрганилаётган препаратларни маҳаллий профилактик қўллаш яллиғланишга олиб келувчи интерлейкинни ИЛ-1β юқори даражасини сезиларли камайтирди. Шу билан бирга, ўрганилаётган воситаларни профилактик қўллашдаги таъсири ўртасидаги фарқлар сезиларсиз бўлди. Яллиғланишга қарши интерлейкин ИЛ-10 даражасини ўрганишда фарқли натижалар олинди. Шундай қилиб, назорат гуруҳини соғлом жониворлар билан солиштирганда, ушбу интерлейкин миқдори 14,1% га камайди, қўйпечак ва ибупрофен сақловчи геллар қўлланилган жониворлар гуруҳида назорат гуруҳига солиштирганда мос равишда 33,7% ва 45,3% га ошди. Шуниси диққатга сазоворки, ўрганилган геллардан фойдаланилганда каламушларда ИЛ-10 нинг миқдори ҳатто соғлом гуруҳ натижаларидан ҳам мос равишда 15,0% ва 25,0% юқори бўлди.

Хулоса: Қўйпечак экстракти ва ибупрофенни таркибида сақловчи гелларни профилактик ва терапевтик қўллаш Фрейд адъюванти билан чақирилган бўғимлардаги сурункали яллиғланиш жараёни ривожланишининг пасайишига олиб келди.

Адабиётлар

1. Якубова У. Б. и др. ДАЛА ПЕЧАГИ ЭКСТРАКТИНИ САҚЛОВЧИ ГИДРОГЕЛНИНГ АНТИЭКССУДАТИВ ТАЪСИРИ //TADQIQOTLAR. – 2023. – Т. 27. – №. 4. – С. 120-126.
2. Шукурлаев К. Ш., Якубова У. Б., Кутлиева Ф. А. ВЬЮНОК ПОЛЕВОЙ-ЛЕЧЕБНЫЕ СВОЙСТВА И ПРИМЕНЕНИЕ В МЕДИЦИНЕ

//ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ. – 2023. – Т. 18. – №. 4. – С. 88-95.

3. Хакимов З. З. и др. Противовоспалительная активность экстракта выюнка полевого при местном применении //Журнал теоретической и клинической медицины. – 2020. – №. 3. – С. 73-75.